

Устоз Салоҳиддин Абдуғаффор ўғлининг янги маърузалар ёзилган аудио дисклари



05:00 / 11.03.2017 9405

Устоз Салоҳиддин Абдуғаффор ўғлининг қуйидаги иккита янги аудио дисклари нашр этилди:

Тошкент шаҳридаги «Ҳазрати Али» жомеъ масжидининг имом-хатиби Салоҳиддин Шариповнинг Сиз азиз мухлисларга тақдим этаётган навбатдаги «Оламларга раҳмат Пайғамбар» деб номланган мазкур аудиодискларида устознинг 2015 йилги жумъа суҳбатларидан танланган маърузалар жой олган. Устоз бу суҳбатларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қўйиш, у зоти бобаракотнинг бутун уммат учун гўзал намуна бўлган хулқлари ва сийратлари, умматнинг у зоти бобаракотга ва саҳобаларга юксак эҳтироми ҳақида гўзал суҳбатлар қилганлар.

Муаллиф: Салоҳиддин Абдуғаффор ўғли

Номи: «Оламларга раҳмат Пайғамбар» (CD MP3)


Нашриёт: «SEMURG' MEDIA» МЧЖ

Сана: 2015

Ҳажми: 223 дақиқа

Оламларга раҳмат Пайғамбар диски қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган:

1. Барча оламга раҳмат Пайгамбар.
2. Расулulloх соллalloху алайхи васаллам сийратлари
3. Улуг Зотга эҳтиром
4. Исро ва мерож мўжизаси
5. Саҳобаларга эҳтиром
6. Лоқайдлик иллоти
7. Бировнинг ҳаққидан эҳтиёт бўлинг
8. Ёлгончилик улкан гуноҳ
9. Ўтганларни хотирлаш барчамизнинг бурчимиз



Тошкент

шаҳридаги «Ҳазрати Али» жомеъ масжидининг имом-хатиби Салоҳиддин Шариповнинг Сиз азиз мухлисларга тақдим этаётган навбатдаги "Рамазон ва хотиржамлик" деб номланган аудиодискларида устознинг 2014 йилги таровех ва Рамазон хайити суҳбатлари жой олган. Устоз бу дискларида Рамазон ойи ва рўзанинг фазилатлари ва ҳукмлари. Намознинг ахамияти ва масжиднинг одоблари. Тинчликнинг улуг наमत эканлиги. Қаноат. Камтарлик каби гўзал сифатлар ва ханафий мазхаби фазилатлари ҳақида суҳбатлар қилганлар.

Муаллиф: Салоҳиддин Абдуғаффор ўғли
Номи: «Рамазон ва хотиржамлик» (CD MP3)
Нашриёт: «SEMURG' MEDIA» МЧЖ
Сана: 2015
Ҳажми: 224 дақиқа

Рамазон ва хотиржамлик диски қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган:

1. Рамазони шариф муборак.

2. Намоз ва масжид одоблари
3. Рўза ва унинг аҳкомлари
4. Тинчлик улўф неъмат
5. Минг ойдан яхшироқ кеча
6. Қаноат фазилатлари
7. Камтарлик буюк фазилат
8. Мазхабимиз саодатимиз
9. Рамазон хайити муборак бўлсин